

БАРКАМОЛ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ЮКСАЛИШИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

**ЖДПИ ўқитувчиси Қаршибоева Дилфузабурлиевна
Ботиров Абдумуталиб Улугбек ўғли, Эргашев Бехруз Абдурахмон ўғли
Кимё йўналиши З-босқич талабалари**

Аннотация: Мақола бугунги кун долзарб масалаларидан бўлиб, Баркамол ёшлар дунёқараши юксалишида жисмоний маданиятнинг аҳамиятиниң мазмун моҳияти ёритилган.

Таянч сўзлар: Дунёқарашибиссоний маданият, соғлом турмуш, баркамол авлод, комил шахс, олим, аллома, мутафаккир, донишманд.

Бу ҳам ота-боболаримиз соғлом турмуш кечиришни асрлар давомида уқтириб келганлигидан ва ёш авлодга ҳар томонлама мукаммал таълимтарбия бериш, камолат сари етаклаш доимо долзарб бўлганлигидан далолат беради.

Демак, миллий хусусиятларимизга мос жисмоний тарбияни олган ва олаётган ёшларимиз мунтазам равишда камол топиб бораверади ҳамда уларнинг дунёқараши ҳам унга мос равишда юксалиб боради. Умуман олганда, баркамол авлодни тарбиялаш, ўзининг маънавий-маърифий, ташкииلىй-услубий, ижтимоий-иктисодий жихатлари билан мураккаб ва маъсулиятли динамик жараёндир.

- ёшларимизда шахс камолати босқичлари асоисда Ватан туйғусини шакллантириш ва бунда улар онгига Она тупроқ, Она Ватан, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси каби тушунчаларга хурмат уйғотиши;

- ёшлар тарбиясида «Баркамол авлод», «Комил шахс», «Олим», «Паҳлавон», «Аллома», «Мутафаккир», «Донишманд» каби камолат босқичларидан аниқ далиллар асосида ибрат-намуна тизимидан кенг фойдаланиш лозим;

Бугуниги куннинг келажагини белгилаш ва таъминлаш кўп жихатдан ҳозирги ёш авлодни дунёқараши кенг маънавий етук қилиб тарбиялашга боғлиқ.

Ўзбек миллатининг умумий маданияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари узоқ ўтмиш билан боғлиқдир. Бу хақда Авесто, ундаги зардуштийлар хаёти Алномиш, Шоҳнома, Гўрўғли Тохир ва зухра, рустамхон муродхон Авазхон ва бошқа шунга ўхшаш достонлар ва тарихий олтин меросларимиз бунга гувохлик беради. Миллий маданиятимиз мазмун моҳиятида таълим-тарбия билим, санъат, меҳнат соғлиқни сақлаш, Ватанга мухаббат, оналар ва болалар ва қарияларни қадрлаш жисмоний тарбия спорт каби соҳалар мужассамланиб улар ижтимоий –иктисодий ва маданий тараққийтимизда устивор туради. Шу сабабли жисмоний маданият соҳаси соғлом турмуш тарзимизда баркамол авлод дунёқарашини юксалишида мустаҳкам омил булиб жамиятимизда яшовчи ҳар бир онгли киши эркин фикрга ва илмий дунёқараашга эга бўлган шахс, жамият тароққиятиниң асосини ташкил этади.

Хар бир инсон аввало соғлом ва бақкувват бўлишни орзу қилади. Бунинг учун аввало турли оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия тадбирлари болалар ва ўқувчи талаба ёшларнинг жисмоний маданият тарбиясин юқори савияга кўтаришга қаратилган. Бундай улуғвор ва ўта мураккаб, маъсулиятли тарбиявий жараёнларни амалга оширишда умуммаданият ва жисмоний маданият тарбиясини бойитиш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилувчи баъзи бир тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳиятлари мавжуддир. Уларни болалар боғчаларида ўтказилаётган “Полвонжонлар”, “Чаққон ва эпчиллар”, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг “Қувноқ стартлар”, “Умид ниҳоллари”, касб-хунар коллеж ўқувчиталабаларининг “Баркамол авлод” спорт мусобақалари ҳамда Олий ўқув юртлари талabalарининг “Универсиада”лари мисолида кўриш мумкин бўлади.

Шу боис баркамол авлод маънавий қиёфаси, илмий дунёқараш юксалишида умуминсоний қадриятларимиздан фойдаланишимизга тўғри келади. Чунки улар туфайлигина баркамол авлод зомон талаби асосида олиб бориш мумкин ва улар келажак авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг асосий илдизлари ҳисобланади. Қадимдан шарқ халқлари соғлом турмуш жисмоний маданият деган тушунчаларни ишлатмаган бўлсаларда уларнинг асосий мазмунлари, шакллари ва мақсадвазифалари ҳамда моҳиятлари узоқ ўтмишимизга бориб тақалади. Яэни “Пахлавон”, “Чавандоз”, “Ўтда ёнмас”, “Қилич кесмас”, “Енгил”, “Чаққон”, “Учқур”, “Жасур” каби ибораларда ифодаланган. Буларни юқорида таъкидланган шоҳ асарлар, достонлар, халқ оғзаки ижоди дурдоналарида кўриш мумкин.

Жисмоний маданият ибораси ва унинг мазмуни ифодаси миллатимиз ва халқимиз орасида расмий истеъмолда полвон (кураш), чавандоз (от ўйинлари), мерган (ёй, камон, ўқ отиш қуроллари), ҳаракатли ўйинлар (оқ теракми, кўк терак, бекинмачо, читтигул) каби иборалар ўз қимматини сақлаб келган ҳолда кенг ишлатилмоқда. Шунингдек, жисмоний маданиятнинг юқори чўққиларини эгаллаган кишиларни халқаро андозалар асосида спорт устаси, хизмат кўрсатган спорт устаси, чемпион, рекордчи каби замонавий иборалар билан аташ одатланган.¹

Масалага шу тариқа қаралса, болаларни соғлом қилиб тарбиялаб ўстириш, касб-хунар йўлида меҳнатга яроқли қилиб етиштириш ва вояга етказиша таълим-тарбиянинг барча омилларида, жисмоний маданият тарбиясидан ҳам мақсадли фойдаланишга тўғри келади.

Бугунги кунда мактабларда вакти-вақти билан ўтказилиб туриладиган турли хил эстафета мусобақалари, спорт ўйинлари, бир томондан, бола организмини чиниқтириб, унинг бақувват ва эпчил бўлишига ёрдам берса, иккнчи томондан, соғлом илмий дунёқарашини юксалтиrsa, бола иродасини чиниқтириб, унда дадиллик, жасурлик, мардлик ва қатъият сингари мухим ирода сифатлари тарбиялаш имконини беради.

¹ И.М.Алибеков. Баркамол инсонни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг ўрни ва уни ташкил қилиш Жиззах 2010

Шундай қилиб, болалар ҳаётида бошлангич таълим даврида йўналадиган ўйинлар, айниқса спорт характеристидаги қоидали ҳаракатли ўйинлар уларни ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ҳар тарафлама ўстиришда ва келгуси фаолиятга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Жисмоний маданият ўқувчиларни ҳаётга бўлган интилишига, илмий дунёқарашини юксалишига, ҳар бир масалага ижодий ёндашишига, ҳаётининг мазмунли бўлишига, одобига таъсир этади.

Жисмоний маданият асосида ўқувчиларининг ахлоқий маданиятини шакллантиришда ўқитувчилар қуидагиларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Дарс ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларини жисмоний маданиятини шакллантиришда изчилликка эришиш; умуминсоний анъаналар асосида ўқувчилар жисмоний маданиятини шакллантириш тажрибаларини ривожлантириш.

Аждодларимиз яратган буюк маданий меросларимизга мурожат этиш. Уларни ўрганиб, ўқувчиларни халқимизнинг миллий маданиятидан баҳрамант қилиш. Ўқувчиларни жисмоний маданиятини шакллантиришда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигига эришиш.

Ўқувчиларимизнинг баркамол илмий дунёқараши кенг бўлишида жисмоний маданият самарали таъсир этади.

Хуллас Истиқлол сари одимлаб келаётган бир шароитда умуминсоний маданиятни юзага чиқариш, уларни асраб-авайлаш ҳамда бугунги маданият мулкига қўшиб юбориш давримиз талаби бўлиб қолиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sh.M.Mirziyoyev. Decree No. PF-4947 "On the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan" Action Strategy 2017
2. "National Training Program" (August 29, 1997) 6.b 3. Goziev E. Management of student learning.-Tashkent:Teacher,1988.
4. Information systems and technologies in the national economy under the editorship of RH Alimov, HS Lutfullaev and RH Alimov. - Tashkent: «Sharq», 2000.
- 5.Turakulov X.A. Methodology of scientific creativity. - Tashkent: Fan, 2006.
6. J. Hasanbaev and B. Explanatory dictionary on pedagogy.-Tashkent: Science and technology.
- 7.Muhammedov I., Turakulov X.A. Scientific and theoretical bases of modern pedagogical research. - Tashkent: Fan, 2004. - 200 p.
- 8.Kamolova Sh.O',, Axmedova N. Healthy lifestyle in the formation of the student's personality // Scientific and methodical journal "Teacher and Continuous Education". - Nukus, 2009. № 1.
- 9.Kamolova Sh.O'. Pedagogical and psychological aspects of increasing the intellectual potential of students // (Textbook) - Tashkent, 2010. - 68 pages.
- 10.Kamolova Sh.O',, Munarova R.O'. Urovni sovershenstvo lichnosti // Issledovatel nauchnyuzhurnal. - Kazakhstan, 2010. № 5 (49). - B.100-105.
- 11.Kamolova Sh.O',, Munarova R.O'. Improving the outlook of future teachers // Primary education.–Tashkent,

- 11.Shirin Kamolova, [РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
- 12.Shirin Kamolova, [САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
- 13.Shirin Kamolova, [ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamnaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
- 14.Shirin Kamolova, [THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
- 15.Shirin Kamolova, [ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
- 16.Dilfuza Qarshiboyeva, [КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamnaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
- 17.Dilfuza Qarshiboyeva, [IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): Zamnaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
- 18.Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>